

**«Ўзпартампонаж» АЖ**  
**акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг**  
**1 – сонли БАЁННОМАСИ**

25 апрель 2025 йил  
Йиғилиш бошланиш вақти: 11:00

Қоровулбозор шаҳри,  
Қарши шоҳ кўчаси, жамият маъмурий биноси

“Ўзпартампонаж” АЖ санок комиссияси аъзоси М.Эримов сўзга чиқиб, акциядорлар ва улар вакилларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида қатнашиш учун рўйхатдан ўтиш натижаларини маълум қилди. Акциядорларни рўйхатга олиш якунига кўра, умумий йиғилишда “Ўзпартампонаж” АЖнинг жойлаштирилган жами 8 447 400 дона овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи 391 та акциядорлардан, 5 нафар акциядор рўйхатдан ўтган. Шу жумладан 3 нафар вакил ишончнома асосида қатнашди. Уларга тегишли бўлган овоз берувчи акциялар сони жами 5 477 300 донани ташкил этади.

Йиғилиш кворуми 64,8 фоизни ташкил қилиб, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини ўтказиш Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 68-моддасига асосан кворумга эга эканлигини маълум қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 77-моддасига ва “Ўзпартампонаж” АЖ Уставининг 10.2. бандига асосан жамият Кузатув кенгаши раиси ёки раис узурли сабабларга кўра бўлмаган тақдирда Кузатув кенгашининг бошқа бир аъзоси акциядорлар умумий йиғилишини очиши ва раислик қилиши белгиланган.

Мазкур акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишида “Ўзпартампонаж” АЖ кузатув кенгаши раиси ва аъзолари узурли сабабларга кўра қатнаша олмаганлиги сабабли, “PTS DRILLING SERVICES” МЧЖнинг ишончномаси асосида вакил Маҳмудов Ҳакимжон Абдусаматович раис ва йиғилиш баённомасини расмийлаштириш учун йиғилиш котиби этиб жамият ходими Н.Қ. Мингяшаров номзодларини тайинлаш учун таклиф этилди. Бу таклиф йиғилиш иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинди.

Йиғилиш иштирокчилари ичидан 2 кишидан иборат ишчи президиумни ташкил қилиш таклиф қилинди.

Президиум қуйидаги таркибда тайинланди:

“PTS DRILLING SERVICES” МЧЖнинг вакили  
“MAGELAN SERVICES GmbH” МЧЖнинг вакили

Ҳ.А. Маҳмудов

А.У. Маҳмудов

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.

2. Санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.

3. “Ўзпартампонаж” АЖ янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.

4. “Ўзпартампонаж” АЖ акцияларини “Тошкент” РФБ котировкалаш варағидан (листинг) чиқариш бўйича қарор қабул қилиш.

5. “Ўзпартампонаж” АЖ тегишли бўлган автотранспорт ва техник воситаларни сотиш масаласини кўриб чиқиш.

Кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масала юзасидан йиғилиш раиси Ҳ.А. Маҳмудов сўзга чиқди. У акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартиби, санок комиссияси ва регламентини тасдиқлаш учун ўқиб эшиттирди.

Мазкур йиғилишда санок комиссия вазифасини бажариш учун қуйидаги таркибдан иборат санок комиссиясини сайлашни таклиф қилди:

- Мурод Эримов;
- Акмал Олимов;
- Ихтиёр Хожиев.

Регламент бўйича кун тартибидаги масалалар 5 тани ташкил этиши ва маърузачиларга 5 дақиқадан вақт ажратишни таклиф этди.

Биринчи ва иккинчи масалалар муҳокамасидан сўнг, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини ҳамда санок комиссияси сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш масаласи овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан:

**тарафдорлар – 5477300 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

“Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламенти тасдиқлансин:

- кун тартибидаги масалалар бўйича сўзга чиқиш учун – 5 дақиқа;
- кун тартибидаги масалалар бўйича савол -жавоблар учун – 5 дақиқа.

2. Санок комиссияси сони ва қуйидаги шахсий таркиби тасдиқлансин:

- Мурод Эримов;
- Акмал Олимов;
- Ихтиёр Хожиев.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши котиби А.У.Маҳмудов сўзга чиқди. Ўз сўзида жамият Кузатув кенгашининг жорий йил 27 мартдаги йиғилишида жамият ижро органининг мурожаатига асосан жамиятнинг ташкилий тузилмасини янгидан тасдиқлаш масаласини “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларни ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 59-моддасига биноан акциядорлар умумий йиғилиши томонидан кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилганлигини маълум қилди.

Учинчи масала муҳокамасидан сўнг, тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари қуйидагича:

**тарафдорлар – 5477300 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

“Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзпартампонаж” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси тасдиқлансин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши котиби А.У.Маҳмудов сўзга чиқди. Ўз сўзида жамиятнинг 2025 йил 10 февралдаги кузатув кенгашига ёзган хатига асосан, “Ўзпартампонаж” АЖнинг давлат улуши ациялари сотилиши муносабати билан жамият акциялари “Тошкент” Республика фонд биржаси листинг биржа котиоровкалаш вароғига киритилган. 2024 йил 4 – чоракда “Ўзпартампонаж” АЖнинг давлат улуши ациялари тўлиқ сотилган.

“Тошкент” РФБнинг 30.01.2025 йилдаги №02/13-07-136–сонли хатига асосан, 2025 йилдан бошлаб акциялар бозори биржа котиоровкалаш вароғининг барча тоифалари учун ягона миқдордаги листинг тўловлари ўрнатилган ва у энди эмитент тоифасига боғлиқ бўлмаслиги ҳамда жамият акциялари листингда турганлиги учун йиллик ва чораклик тўловлар ўзгарганлиги белгиланган.

Юқоридагиларни инобатга олиб, жамиятнинг келгуси харажатларини оптималлаштириш ва ҳозирги кунда жамият акцияларини листингда туриши мақсадга номувофиқлигини ва биржа котиоровкалаш вароғидан (листинг) чиқариш масаласи жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлаб кўриб чиқилганлиги ва акциядорлар умумий йиғилишида ушбу бўйича қарор қабул қилиш учун киритилганлигини айтиб ўтди.

Тўртинчи масала муҳокамасидан сўнг, тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари қуйидагича:

**тарафдорлар – 5477300 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

“Ўзпартампонаж” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзпартампонаж” АЖ акцияларини “Тошкент” РФБ котиоровкалаш вароғидан (листинг) чиқариш тасдиқлансин.



**Кун тартибдаги бешинчи масала юзасидан жамият кузатув кенгаши котиби А.У.Махмудов сўзга чиқди.** У ўз нутқида жамиятнинг 2025 йил 2 апрелдаги Кузатув кенгашига ёзган хатига асосан, жамият балансида бўлган 2 дона асосий воситалари (автокран MAN CLA 26.380 давлат рақами 80/274 UAA ва автобус SAZ NP21, давлат рақами 80/113 GAA автотранспорт воситалар)нинг жамиятга фойдаси тегмаётганлиги, жисмонан ва маънавий эскирганлиги, буюртмачиларнинг ушбу автотранспорт воситалари ва бошқа асосий воситаларга буюртмачи йўқлиги, жамиятнинг кундалик фаолиятида фойдаланиш учун эҳтиёж йўқлиги, анча вақтдан бери автосаройда ва худудларда туриб қолганлиги, аксарият қисмларининг эскириб бораётганлиги сабабли, уларни ўрнатилган тартибда баҳолаб, “e-auksion” электрон аукцион савдоси орқали сотиш, ўрнига ихтисослаштирилган махсус замонавий тампонаж техникаларини сотиб олиш ва жамият ишлаб чиқариш эҳтиёжи учун ишлатиш масаласи жамият Кузатув кенгаши томонидан дастлаб кўриб чиқилганлиги ва акциядорлар умумий йиғилишида ушбу бўйича қарор қабул қилиш учун киритилганлигини айтиб ўтди.

Бешинчи масала муҳокамасидан сўнг, тасдиқлаш учун овозга қўйилди ва санок комиссиясининг баённомасига асосан овоз бериш натижалари қуйидагича:

**тарафдорлар – 5477300 та овоз ёки 100%, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.**

### **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. “Ўзпартампонаж” АЖ балансидаги 2 дона буюртмачилар томонидан талабга эга бўлмаган ва бўш турган техникаларни (автокран MAN CLA 26.380 давлат рақами 80/274 UAA ва автобус SAZ NP21, давлат рақами 80/113 GAA) қонунчилик билан ўрнатилган тартибда баҳоланган нархда ва очик аукцион савдолари орқали сотилсин. Белгиланган муддатда сотилмаган мулкларни босқичма босқич нархни пасайтириш мезони қўллансин ҳамда ушбу тартибда ва белгиланган муддатда сотилмаган, аукцион савдоларидан қайтарилган мулклар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 29 августда 1401-сон билан рўйхатдан ўтказилган “Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин.

Йиғилиш раиси:

 **Х.А. Махмудов**

Йиғилиш котиби:

 **Н.Қ. Мингяшаров**

Баённома имзоланди « 01 » 05 2025 йил.